

## БИРНИ КЕССАНГ – ЎННИ ЭК!

МУНОСАБАТ



Яқинда тадбиркор Мурод Назаров Тошкент шаҳрида қурилиш қилаётганларга дарахт кесишга қўйилган чекловни олиб ташлаш таклифини илгари сурди. Кимдир унинг таклифини ёқлади, кимдир қоралади. Хуллас, мавзу кенг муҳокамаларга сабаб бўлди.

### Экишдан аввал, парвариши ҳақида ўйлашимиз лозим

Айниқса, Экопартия депутатлари тадбиркорнинг фикрига тиш-тирноғи билан қарши чиқишди. Уларнинг таъкидлашларича, охириги пайтларда «қайта экиш» номи билан экилган кўчатларнинг аксарияти қуриб қолган.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси раҳбари Алишер Қодиров эса «Дарахт кесилмасин дегани, мутлақо кесилмасин эмас, зарур бўлса, кесилиши мумкин, дегани бўлиши керак»лигини айтди. Депутатнинг таъбирича, дарахтларни инсон учун асраш керак экан, инсонларни дарахт учун эмас...

Балки унинг айрим сўзлари тўғрисида. Қанийди, дарахтлар ҳимоясига бирлашгандек сув, ер, энергоресурслар, озиқ-овқат ва вақтни тежашда, қолаверса, исрофгарчиликка қарши курашишда ҳам бирлаша олсак...

Чуқурроқ мулоҳаза юритадиган бўлсак, Назаровнинг таклифида ҳам жон борлигини кўра-

миз. Чунки, истаимизми-йўқми, ҳар хил ваз-қорсонлар билан кунда-кунора кўплай дарахтларнинг «жанозаси» ўқияпти. Қурилишлар оқибатида соғлом, бир неча ўн йиллик дарахтлардан асар қолмаяпти. Бу борада жорий этилган мораторий ҳам иш бермаяпти. Дарахтушларга қўлланилаётган жарима ва жазолардан ҳеч қандай наф чикмаяпти.

Шундай экан, кейинги ёки ундан кейинги йилларда қанча қурилиш қилиниши ва бунинг оқибатида қанча дарахт кесилиши мумкинлиги ҳақида тахминий маълумотларни ҳисобга олиб, ўша ҳудудлар чегарасида олдиндан кўчатлар экиб қўйилса, тўғри иш бўлармикин? Қолаверса, компенсация тўлашда дарахт танасининг ўлчамини ҳисобга олиш ва шунга яраша ҳақ тўлаш лозимдир.

Албатта, катта ҳажмда қурилиш қилаётган кишилар учун 100-150 та кўчатнинг нархи арзимас чойчақадек туюлиши мумкин. Лекин ҳам кесилган

дарахт учун қонуний тартибда маблағ тўлаш, ҳам унинг ўрнига 15-20 та дарахт экиш масаласини жиддий ўйлаб кўриш керак. Фақат битта муаммо бор: экилган дарахтлар қачон катта бўлади? Уларнинг қуриб қолмаслигига кафолат борми? Ҳар ҳолда, шаҳарлар қиёфаси йилдан йилга «тақирлашиб», экология ёмонлашиб бораётган бир вақтда, бундай ишга таваккал қилишнинг оқибати яхшилик билан тугамаслиги бор гап. Демак, ноқонуний равишда кесиб юборилган дарахтлар ўрни ҳали тўлмай туриб, бу қадар шафқатсизликка қўл уриш адолатдан эмас.

Тўғри, тадбиркор бугун кесиб, эртага дарҳол қурилишни бошлашни тавсия қилаётгани йўқ, билъакс мораторий ўрнига тизимли ёндашувни таклиф қилаяпти. Унинг фикрича, қурилиш режасига қараб, олдиндан дарахт экиш, «дарахтлар банки» каби механизмлар орқали муаммони ҳал қилиш мумкин. Фақат буни амалиётга жорий этишдан олдин етти ўлчаб, бир кесиш, яъни айна йўналишдаги хорижий тажрибани ўрганиш лозим. Ана ундан кейин тадбиркор ай-

таётган усулларни ўйлаб кўрса бўлар...

Яна бир гап. Ҳар

йили баҳор ва кузда дарахт экиш авж олади. Ура-урачилик билан минглаб, миллионлаб туп кўчатлар экилади. Афсуски, кўп ўтмай баландпарвоз саъй-ҳаракатларимиз тўхтайти-қолади. Дарахтларнинг кейинги тақдири билан деярли қизиқмаймиз. Агар, шундай бўлмаганда эди, мамлакатимиз аллақачон ўрмонзорга айланган бўларди.

Меҳнат қилиб, пул ва вақт сарфлаб, ерга кўчат суяпмизми, демак, унинг парваришига жиддий эътибор қаратишимиз зарур. Биз дарахт экишдан аввал, унинг парвариши ҳақида ўйлашимиз лозим.

Гулрухбегим  
ОДАШБОВА  
«ISHONCH»



**Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг Қорақалпоғистон, вилоятлар, Тошкент шаҳар кенгашларида ўтказилган ҳисобот-сайлов конференцияларида раис ва раис ўринбосарлари лавозимларига муқобиллик асосида ташкил этилган яширин овоз бериш натижалари тўғрисида МАЪЛУМОТ**

2-, 3-саҳифаларда ўқинг...

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясида куну тун фаолият кўрсатадиган

# 1211

рақамли «Ишонч телефони», яъни «Call-center»га

мамлакатимизнинг турли ҳудудларида, олис ва чекка қишлоқларида яшаётган хотин-қизлар ўз муаммолари бўйича исталган вақтда мурожаат қилишлари мумкин.



## ЎЗБЕКИСТОН КАСБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИДА КУНУ ТУН ФАОЛИЯТ КЎРСАТАДИГАН

# ЎШАМНИНГ ОҚИБАТИ

ЛУҚМА

### САБОҚ ЧИҚАРИШГА АСОС БЎЛАРМИКАН?

Бир инсоннинг йиғиб-тергани ҳавога совурилди. Уни қуриб битиргунча қанча меҳнат, сарф-ҳаражат кетганди. Чеккан заҳмату машаққатларини айтиб, адоғига етказиш қийин. Буни бошидан ўтказганлар яхши билишади.

Ҳа, хом сўт эмган бандамиз, кўнглимиз нималарни тусамайди, дейсиз... Туй дастурхонига тирик балиқни безак сифатида тортиқ қилишдан тортиб, лаган-лаган тиллаларни кўз-кўз қилишдан хузур-ҳаловат топадиган авомга айланиб қолдик. Керак бўлса, Япониядан ишчи ёллаб, кўзқорин шаклида иншоот қурдирадиган тадбиркорларимиз ҳам бор. Хуллас, тартиб-интизом, ахлоқ, қонун-қоидаларнинг ғашига тегадиган ишларга ружу қўя бошлаганимиз рост.

Самарқанд туманидаги Жўйсой маҳалласида ўн йилдан ортиқ муддатда қуриб битказилган кўпқаватли бино озмунча тортишувларга сабаб бўлди?

Қизиқ, ҳайҳотдек шаҳарда шунча йилдан буён қурилиш талабларига зид равишда бино қурилса-ю, то битказилгунча у билан бирон-бир масъулнинг иши бўлмаса? Битта товۇққа катак курсанг, ноқонуний қурилиш, дея жаримага тортадиганларнинг кўзи қаерда эди?

Баён этилишича, қурилиш шаҳарсозлик меъёрлари қоидаларига зид равишда амалга оширилган. «Узоғирсаноатлоийха» институти хулосасига кўра, бино зилзилабардошлик талабларига мутлақо жавоб бермайдди. Шу боис суд томонидан уни бузиш белгиланган. Қарор ижроси Мажбурий ижро бюросининг Самарқанд тумани бўлими зиммасига юклатилган.

Афсуски, Самарқандда масъуллар томонидан бузиш талаби қўйилган иншоотлар кўп. Масалан, шаҳарнинг Даҳбет чорраҳасидаги 14 қаватли тураржой мажмуасига ҳам шундай



талаб қўйилган эди. Аммо айна пайтда бионинг катта қисмида аҳоли яшаб келмоқда. Қурилиш тугалланмаган қисмига ҳам одамлар олдиндан пул тўлаб қўйган. Қисқаси, 4-5 йилдирки, бу бино на бузилади, на қурилиши давом эттирилади. Нураб ётган деворлари шаҳар кўркига раҳна солиб турибди. Шу дамларда масъулларнинг бир хил вазиятга икки хил ёндашуви одамни ўйга толдирапти. Қонун ҳамма учун баробар эмасми?

Нурилла ШАМСИЕВ  
«ISHONCH»

# Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Қорақалпоғистон, вилоятлар, Тошкент шаҳар кенгашларида ўтказилган ҳисобот-сайлов конференцияларида раис ва раис ўринбосарлари лавозимларига муқобиллик асосида ташкил этилган яширин овоз бериш натижалари тўғрисида МАЪЛУМОТ

№	Лавозимга номзоднинг фамилияси, исми, шарифи	Сурати	Лавозими	Номзодни ёқлаб овоз берганлар (%)
<b>Федерациянинг Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши</b>				
<b>Кенгаш раиси лавозимига</b>				
1	Аяпов Женисбай Жарылкаганович		Маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Қорақалпоғистон Республикаси бўйича масъул ташкилотчиси	16,8
2	Жалменов Улыкбек Абылаевич		Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раиси	83,2
<b>Кенгаш раисининг ўринбосари лавозимига</b>				
1	Данияров Муратбай Қуанишбаевич		Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раиси ўринбосари	79,7
2	Илмурадова Гулнара Рейпназаровна		Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши ташкилий ишлар бўлими мудири	20,3
<b>Федерациянинг Андижон вилояти кенгаши</b>				
<b>Кенгаш раиси лавозимига</b>				
1	Арзиев Анваржон Мамажонович		Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Андижон вилояти кенгаши раиси	14,7
2	Эгамбердиев Абдужаббор Хусанович		Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Андижон вилояти кенгаши раиси	85,3
<b>Кенгаш раисининг ўринбосари лавозимига</b>				
1	Абдурахмонова Нодира Хусанбаевна		Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Андижон вилояти кенгаши раиси ўринбосари	83,9
2	Мамаджонов Нозимжон Ҳасанович		Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Андижон вилояти кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси	16,1
<b>Кенгаш раисининг ўринбосари лавозимига</b>				
1	Абдуллаҳужаева Гулноза Раҳимовна		Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Андижон вилояти кенгаши ижтимоий сугурта бўлими мудири	36,5
2	Матисаев Мансуржон Расулжонович		Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Андижон вилояти кенгаши раиси ўринбосари	63,5
<b>Федерациянинг Бухоро вилояти кенгаши</b>				
<b>Кенгаш раиси лавозимига</b>				
1	Бахромов Бахтиёр Исломович		Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Бухоро вилояти кенгаши раиси	5,6
2	Олимов Муҳаммадқосим Ҳошимович		Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Бухоро вилояти кенгаши раиси	94,4
<b>Кенгаш раисининг ўринбосари лавозимига</b>				
1	Бешимов Ҳамиджон Сайидович		Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Бухоро вилояти кенгаши раиси ўринбосари	92,7
2	Ҳодиев Иброҳим Сайидович		Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Бухоро вилояти кенгаши раиси	7,3

<b>Кенгаш раисининг ўринбосари лавозимига</b>				
1	Акрамова Адолат Аслоновна		Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Бухоро вилояти кенгаши раиси ўринбосари	82,9
2	Рўзиева Ҳалима Бақоевна		Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Бухоро вилояти кенгаши ижтимоий сугурта бўлими мудири	17,1
<b>Федерациянинг Жиззах вилояти кенгаши</b>				
<b>Кенгаш раиси лавозимига</b>				
1	Пардаев Нусуратулла		Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Жиззах вилояти кенгаши раиси	97,7
2	Холмуродова Гулбаҳор Хаджиевна		Маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Жиззах вилояти бўйича масъул ташкилотчиси	2,3
<b>Кенгаш раисининг ўринбосари лавозимига</b>				
1	Ихтиёрв Аъзам Рашидович		Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Жиззах вилояти кенгаши раиси ўринбосари	96,6
2	Ўринов Илҳом Мамадалиевич		«Жиззах худудий электр тармоқлари корхонаси» акциядорлик жамияти касаба уюшмаси кўмитаси раиси	3,4
<b>Федерациянинг Навоий вилояти кенгаши</b>				
<b>Кенгаш раиси лавозимига</b>				
1	Ражабов Илҳом Мустафаевич		Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Навоий вилояти кенгаши раиси	5,7
2	Тоғаева Назира Маманазаровна		Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Навоий вилояти кенгаши раиси	94,3
<b>Кенгаш раисининг ўринбосари лавозимига</b>				
1	Турсунов Шавкат Тинчликович		«Худудий электр тармоқлари» акциядорлик жамияти Навоий худудий филиали касаба уюшмаси кўмитаси раиси	9,2
2	Ҳалилов Хуршид Гаффорович		Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Навоий вилояти кенгаши ташкилий ишлар бўлими мудири	90,8
<b>Федерациянинг Наманган вилояти кенгаши</b>				
<b>Кенгаш раиси лавозимига</b>				
1	Турдиев Бахтиёр Шералиевич		«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси Наманган филиали касаба уюшмаси кўмитаси раиси	11,3
2	Ҳожаев Ҳасанбой Ибрайимович		Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Наманган вилояти кенгаши раиси	88,7
<b>Кенгаш раисининг ўринбосари лавозимига</b>				
1	Деҳқонов Дилшод Давлатович		Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Наманган вилояти кенгаши маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими етакчи мутахассиси	25,2
2	Холбоев Қосимжон Турсуналиевич		Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Наманган вилояти кенгаши раиси ўринбосари	74,8

<b>Федерациянинг Самарқанд вилояти кенгаши</b>				
<b>Кенгаш раиси лавозимига</b>				
1	Бабаев Карим Нартаевич		Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Самарқанд вилояти кенгаши раиси	2,5
2	Рафиков Суҳроб Абдугафарович		Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Самарқанд вилояти кенгаши раиси	97,5
<b>Кенгаш раисининг ўринбосари лавозимига</b>				
1	Абдусайдов Акбар Абдувалиевич		Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Самарқанд вилояти кенгаши раиси ўринбосари	90,4
2	Раззоқов Ферузбек Ўктамович		Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Самарқанд вилояти кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси	9,6
<b>Кенгаш раисининг ўринбосари лавозимига</b>				
1	Бакаева Шаркия Фаттоқулловна		Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Самарқанд вилояти кенгаши ишлар бошқарувчиси	71,2
2	Жозилов Зариф Абдуғофурович		Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Самарқанд вилояти кенгаши ижтимоий сугурта бўлими мудири	28,8
<b>Федерациянинг Сирдарё вилояти кенгаши</b>				
<b>Кенгаш раиси лавозимига</b>				
1	Назиркулов Раҳмонкул Назиркул ўғли		Сирдарё вилояти ҳокимлиги жамоат ва диний ташкилотлар билан алоқалар масалалари котибияти мудири	3,1
2	Турсунмуратов Рустамбек Перматович		Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Сирдарё вилояти кенгаши раиси	96,9
<b>Кенгаш раисининг ўринбосари лавозимига</b>				
1	Аҳмедов Эркин Абдугапурович		Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Сирдарё вилояти кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси	10,2
2	Ҳамиджонов Баҳодир Олимжонович		Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Сирдарё вилояти кенгаши раиси ўринбосари	89,8
<b>Кенгаш раисининг ўринбосари лавозимига</b>				
1	Ашурматов Ойбек Шодмонқулович		Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Сирдарё вилояти кенгаши раиси ўринбосари	94,9
2	Тоғаев Санжар Зуфарович		Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Сирдарё вилояти кенгаши жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш бўйича бош мутахассиси	5,1
<b>Федерациянинг Сурхондарё вилояти кенгаши</b>				
<b>Кенгаш раиси лавозимига</b>				
1	Аҳмедов Абдукарим Абдурахмонович		Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Сурхондарё вилояти кенгаши раиси	97,0
2	Тўлаганов Зайир Тўхтаевич		Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Сурхондарё вилояти кенгаши маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими етакчи мутахассиси	3,0
<b>Кенгаш раисининг ўринбосари лавозимига</b>				
1	Боболов Қобил Абдиевич		Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Сурхондарё вилояти кенгаши раиси ўринбосари	91,7

# Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Қорақалпоғистон, вилоятлар, Тошкент шаҳар кенгашларида ўтказилган ҳисобот-сайлов конференцияларида раис ва раис ўринбосарлари лавозимларига муқобиллик асосида ташкил этилган яширин овоз бериш натижалари тўғрисида МАЪЛУМОТ

Федерациянинг Тошкент вилояти кенгаши			
Кенгаш раиси лавозимига			
2	Турдиев Шарафидин Юлдашевич		Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Сурхондарё вилояти кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси 8,3
1	Комилова Нилуфар Нишанбаевна		Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилояти кенгаши раиси 10,1
2	Файзиёва Сайёра Мавляновна		Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Тошкент вилояти кенгаши раиси 89,1
Кенгаш раисининг ўринбосари лавозимига			
1	Аликулов Жаҳонгир Хайдарович		Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилояти кенгаши раиси 14,7
2	Рашидов Утқурбек Турабекович		Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Тошкент вилояти кенгаши раиси ўринбосари 82,2
Кенгаш раисининг ўринбосари лавозимига			
1	Бекташев Нурсултан Абдуғафур ўғли		Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Тошкент вилояти кенгаши меҳнатқашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими мудири 17,1
2	Холмўминова Лола Хушбақовна		Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Тошкент вилояти кенгаши раиси ўринбосари 81,4
Федерациянинг Фарғона вилояти кенгаши			
Кенгаш раиси лавозимига			
1	Каримов Турсунали Исраилжонович		Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Фарғона вилояти кенгаши меҳнатқашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими мудири 25,0
2	Нуралиев Эркин Назуруллаевич		Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Фарғона вилояти кенгаши раиси 75,0

Кенгаш раисининг ўринбосари лавозимига			
1	Аҳмедова Лола Хариновна		Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Фарғона вилояти бўйича масъул ташкилотчиси 76,6
2	Мадъярова Махфуза Рўзиматовна		Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марғилон шаҳар бўлини кенгаши раиси 23,4
Кенгаш раисининг ўринбосари лавозимига			
1	Бобоев Мўминжон Эгамбердиевич		Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Риштон тумани кенгаши раиси 25,8
2	Отабоев Аброр Ҳамдамович		Касаба уюшмалари Федерациясининг Фарғона вилояти кенгаши ташкилий ишлар бўлими мудири 74,2
Федерациянинг Хоразм вилояти кенгаши			
Кенгаш раиси лавозимига			
1	Курбанбаева Гулсара Аҳмедовна		Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Хоразм вилояти кенгаши раиси 93,9
2	Шенязов Равшанбек Атаевич		Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Хоразм вилояти кенгаши раиси 6,1
Кенгаш раисининг ўринбосари лавозимига			
1	Аллаберганов Шокир Жуманазарович		Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Хоразм вилояти кенгаши раиси 11,4
2	Бекчанов Камолжон Сапарбоевич		Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Хоразм вилояти кенгаши раиси ўринбосари 88,6

Федерациянинг Қашқадарё вилояти кенгаши			
Кенгаш раиси лавозимига			
1	Жўраев Бахтиёр Тўйчиевич		Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Қашқадарё вилояти кенгаши раиси 83,0
2	Омонов Илҳом Фармонович		Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касаба уюшмаси Қашқадарё вилояти бирлашган кўмитаси раиси 10,2
Кенгаш раисининг ўринбосари лавозимига			
1	Аҳмедов Исак Набиевич		Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Қашқадарё вилояти кенгаши раиси ўринбосари 81,3
2	Исмоилова Севара Ислон қизи		Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Қашқадарё вилояти кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси 10,2
Федерациянинг Тошкент шаҳар кенгаши			
Кенгаш раиси лавозимига			
1	Аҳмедов Сайфулло Норматович		Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Тошкент шаҳар кенгаши раиси 82,4
2	Настинов Одилжон Қодирович		Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши раиси 17,6
Кенгаш раисининг ўринбосари лавозимига			
1	Турсуналиев Аброр Набижонович		Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Тошкент шаҳар кенгаши раиси ўринбосари 72,2
2	Шарипов Дилшод Рустамович		Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Тошкент шаҳар кенгаши ижтимоий сугурта бўлими мудири 27,8

**ИЗОҲ: ҲИСОБОТ НАТИЖАЛАРИДА БУЗИЛГАН САЙЛОВ БЮЛЛЕТЕНЛАРИ ЭЪТИБОРГА ОЛИНМАГАН.**

## ҲАР БИР МУРОЖААТ ОРТИДА ИНСОН ТАҚДИРИ БОР

Бугунги кунда юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар марказида инсон манфаати, халқнинг кундалик ҳаёти учун зарур осойишталик ва фаровонлик турибди. Мухтасар айтганда, «Инсон қадрини ўқун» тамойили давлат сиёсатининг бош ғоясига айланган.

Шу мақсадда жойларда муаммоларни ўрганиш, одамлар дардини эшитиш ва уларга ечим топиш бўйича фаол ишлар амалга оширилмоқда. Навоий вилояти Хатирчи туманида ташкил этилган навбатдаги фуқаролар қабули бунга яққол мисол бўла олади.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Навоий вилояти кенгаши раиси Назира Тоғаева тумандаги Хўжақўрғон ва Миёнқол маҳаллаларида бўлиб, фуқаролар билан очиқ мулоқот ўтказди. Қабул давомида 42 нафар фуқаронинг муаммо ва тақлифларини тинглади.

– Ҳар бир муурожаат ортида инсон тақдири, бир оила, бир умр туради. Биз буни ҳис қилиб,



муурожаатларга масъулият билан ёндашишимиз керак, – деди у. – Чунки одамлар қабулга келиб, дилидаги дардини очик айтиши, осон иш эмас. Улар бизнинг олдидимизга умид билан келишади. Учрашув мобайнида ҳеч бир муурожаат эътибордан четда қолмади. Аксарияти жойида ҳал этилди. Қолганлари тегишлилиги бўйича масъулларга йўналтирилди. Жумладан, маҳалла фаолларидан бири

томонидан билдирилган моддий ёрдам сўрови дарҳол ҳал этилди. Бу эса фақат бир инсоннинг эмас, балки бир оиланинг мушуқлини осон қилди. – Оилавий шароитимиз оғирлиги боис мутасаддилардан моддий ёрдам сўрашга мажбур бўлдим, – дейди Мавжуда Гадоева. – Очиги, илтимосим жойида ижобий ҳал этилганидан хурсанд бўлдим. Масъулларга раҳмат! Райҳона Шарипова эса узоқ



вақтдан бери соғлиғи билан боғлиқ муаммоларга ечим излаб юрганини айтди: – Анчадан бери соғлиғимни тиклаш учун моддий томондан қийналаётган эдим, – дейди у. – Бугунги қабул ҳақида эшитиб келдим. Моддий ёрдам ажратилганидан, шунингдек, даволанишим учун ордер берилганидан бўлди. Жуда хурсандман. Ҳа, Янги Ўзбекистонда ҳеч бир инсон эътибордан четда қо-

лиши керак эмас. Давлат сиёсати шундай. Депутатлар ва мутасадди раҳбарлар тез-тез жойларга чиқиб, аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқот ўтказиши жоиз. Зеро, бу инсон қадрини устувор бўлган жамиятда ҳар бир фуқаро ўзини керакли, ҳимояланган ва қадрли деб ҳис қилиши учун замин ҳозирлайди.

Умид ХУДОЙҚУЛОВ  
«ISHONCH»

**ЭЪЛОНЛАР**

**Erieltor**

**«ELEKTRON REALTOR» МЧЖ**  
тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш йўли билан ташкиллаштириладиган кўчмас мулклар ва уларга бўлган ҳуқуқлар бўйича ўтказиладиган савдосига тақлиф этади!

«O'z sanoat qurilish bank» АТВ билан тузилган 2025 йил 18 июндаги №18-2025ER сонли шартномага асосан «O'z sanoat qurilish bank» АТВ балансида бўлган мулклар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 15 апрелдаги ПҚ-142 сонли қарорига асосан қуйидаги мулк сотувага чиқарилмоқда:

**Савдога қуйидаги мулк қўйилмоқда:**

1. Юнособод тумани, «Туркистон» МФЙ, Мойқўрғон кўчаси, 276-277-уйда жойлашган ҳовли жой. Бошланғич баҳоси: 6 498,6 млн. сўм.

Савдога қўйилган мулк билан бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Савдода иштирок этиш учун талабгорлар e-rieltor.uz платформи орқали ариза беришлари мумкин.

Телефон: +99855-517-22-20.  
Расмий сайтимиз: www.e-rieltor.uz

Тожикистон Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги элчихонаси элчихонанинг янги биносини тартибга солиш, жиҳозлаш бўйича тендер эълон қилади.

Тендер тақлифлари ёпиқ конвертда Тошкент ш. Абдулла Қаҳҳор кўчаси, 6-йўлак, 61-уй манзилига юборилиши керак.

Тақлифларни топширишнинг охири мuddати: 2025 йил, 10 август.

# ИНСОНГА БЕРИЛГАН БАХТ

**ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ХАРАКАТИНИНГ 120 ЙИЛЛИГИГА**



ХИКОЯ

## ЭНДИ ЁМОН АСКАРЛАР КЕЛМАСА КЕРАК...

*Инсонни яшамоқ ҳуқуқидан махрум қилишга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ. Ҳаётни берувчи ва олгучи Ягона зот бор.*

Муаллиф

**Самимият. Бу сўз тилга олинганда, кўз олдимда бир инсон сиймоси жонланади. Ёши сақсон бешни қоралаётган бўлса-да, ҳамон тетик, бардам, кўзлари чақноқ. Машина ҳайдашини айтмайсиэми? Бошқаришидан танасига сифмаётган бўз йигит, деб ўйлайсиз, аммо ўзига кўзингиз тушгач, соқолли нуронийни кўриб, ҳайрон қоласиз.**

Мақола ёзиш мақсадида суҳбатлашганимизда «Уйимга олиб кетаман, бемалол гаплашамиз, кутубхонамни кўрасан», деб қолди. Уловнинг олдинги ўриндиғига чиқдим. Бошқа машиналарни моҳирлик билан қувиб ўтаркан:

— Уғлим «Ота, бўлди энди машина ҳайдаманг, менга соғлигингиз керак, қолаверса, жарималар ҳам кўпайиб кетди», дейди. Бу машина ўн беш йиллик кадрдоним, суняччим. Қандай қилиб уни ўзимдан нари қиламан? Яқинда жарима келди, светофорнинг қизил чирогоғида ўтиб кетибман. Шу ёшимда қандай бузаманми? Атайлаб қилмайман-ку, тўғрими, болам? Балки кўз нури панд бергандир ёки чалғигандирман. Жарима устидан судга шикоят-ариза киритдим.

У менга шу гапларни қуя-пиша айттаркан, яна қизил чироқ ишорасига бўйсунмай, ўтиб кетди. Ичимда отахонга яна «қорахат» келмаса бўлди, деб қўйдим.

Журналист, ёзувчи, драматург, олим, «Ishonch» гезетасининг биринчи бош муҳаррири Тўлқин Қозоқбоев ҳамроҳликда шундай саргузаштлар билан уйига кириб борди. Бизни рафиқаси Жўраҳон ая қутиб олиб, кутубхонага бошлади.

Жавонда китоблар тартиб билан териб қўйилган. Салмоқли қисми ўзиники бўлиб, улар билан бирма-бир таништирди. Сўнгра бир пиёла чай устида давра олдик. Болалиги, қилган ишлари, эзгу амаллари, оғир, аммо шарафли ҳаёт йўли ҳақида ёниб сўзлади.

### МАШАҚАТНИНГ ЁРУҒ МАНЗИЛИ

Тўлқин Қозоқбоев 1940 йилнинг 28 ноябрида Ташкент шаҳрида туғилган. Сақиз ойлиғида отаси Мухаммад ака урушга кетган. Икки йил мобайнида ундан хат келиб турган. Сўнгра хат, на «қорахат» келади, бедарак кетади. У ёлғиз онаси қўлида қолади. Лазокат ая эрининг йўлига кўз тика-тика, не-не машақатлар билан уни катта қилади.

1958 йил Миробод туманининг «Сариқўл» маҳалласида жойлашган тахта тилиш заводида оддий ишчилликдан меҳнат фаолиятини бошлаган ёш йигитни журналистикага бўлган қизиқиш Ўрта Осиё давлат университети га етаклаб келади. Синовлардан муваффақиятли ўтиб, журналистика бўлимида сиртдан ўқийди. Кейинчалик яна сиртдан Ташкент кишлоқ ҳужалиқ институтини (ҳозирги Аграр университети) да ўқиб, агроном мутахассислигига эга бўлади. Шундан сўнгра қизгин ҳаёт жараёни бошланади. 1967 йилда Жўраҳон Яхияевага уйланади. Кетма-кет уч фарзанди — Акмал, Гўзал, Аббор туғилади.

Тўлқин Қозоқбоев ёшлар ва партия органларида масъул вазифаларда ишлади. Олий ўқув юртраларида дарс берди, республика миқёсида чиқадиغان ўндан ортик нашрларга раҳбарлик қилди. Ярим асрдан кўпроқ вақт мобайнида жамиятга нафи тегадиган соҳаларда фаолият юритиб, фалаж ва фақат ўзгаларга яхшилиқ улашди.

Лазокат ая ўғлининг келажиги учун чеккан заҳматлари роҳатини кўриб, бошқа рўзгор қилмасдан садақатини устун қўйганча, 70 йил турмуш ўртоғи қайтишини кутиб, ниҳоят вафоти арафасида тақдирга тан беради. Қабр тошига эри иккисининг номини битишини

वासият қилиб, 86 ёшида бу дунёни тарк этди. Орадан 11 йил ўтган, яъни 2020 йил — Иккинчи жаҳон урушининг 85 йиллиги арафасида кичик ўғил Абборнинг саъй-ҳаракати билан бобосининг дарағи чиқди.

Мухаммад бобонинг Воронеж вилояти Хохольский туманида жойлашган Кочетково қишлоғидаги 500 нафар ҳарбий кўмилган мазорга дафн қилинган уларга ўрнатилган ёдгорликда «Командир старшина Казакбаев М. 1943 год, 19 января» деган биткидан ойдиллашади. Ваҳоланки, у 1943 йилдан то 2020 йилнинг январигача бедарак йўқолганлар рўйхатида бўлиб, вафоти уруш бошланганига 79 йил ўтиб, аниқ бўлган эди.

Тўлқин Қозоқбоев 2017 йилда нафақага чиққан эса-да, ҳозир ҳам фарзандлари, ўн невараси, етти эвара ардоғида умргузаронлик қилиб, қизгин ижодий фаолият ва жамоат ишлари билан машғул.

— Эсимни таниганимдан турмуш мушти қандай бўлишини ҳис этганман. Қорин тўймай оч юрган, бир дон туршакни соатлаб оғзимда ушлаб, очликдан қутулган кунларим кўп бўлган. Қийинчилик инсонни тоблайдиган, шурқ қилишга, ҳар бир неъматнинг қадрига етишга ўргатади. Шунданми, ҳаммаша ҳалоллик, бағрикенглик, инсоф-диенатини ўзимга эш тутдим. Ғийбат, ғиромлик, таъма, пора, ҳасаддан йироқ бўлдим, — дея қўзини бир нуқтага тикиб сўзлайди у. — Утган даврда элликдан ортик сахна асари яратдим. Бир нечтаси республика ва вилоят театрлари репертуарларидан жой олди. Таржимон сифатида Осиё ва Африка қитъасидаги йигирмага яқин ёзувчининг эртак ва ҳикояларини, рус, япон, корейс ва бошқа миллатлар ёзувчиларининг асарларини ўзбек тилига таржима қилдим. Деярли барча ишларим китоб ҳолида нашр қилинган. Уларнинг соани йигирмадан ошади. «Журналистика асослари», «Журналистикага кириш», «Драма назарияси» каби илмий, «Турмуш маданияти», «Қалбим кўзи билан кўраман сизни», «Саодатнинг жасорати», «Ўғил бола гап», «Театр санъати зарғари», «Мехрибонларим» каби бадиий, Осиё ва Африка ёзувчиларининг эртак ва ҳикоялари ўрин олган «Дастлабки учкун», С.Сахарновнинг «Қиссалар», Юрий Дмитриевнинг «Табият мўъжизалари», Миёко Мацутанининг «Таронинг тоғлар ўлкасидаги саргузаштлари» каби қатор таржима китоблар шулар жумласидан.

— Эсимни таниганимдан турмуш мушти қандай бўлишини ҳис этганман. Қорин тўймай оч юрган, бир дон туршакни соатлаб оғзимда ушлаб, очликдан қутулган кунларим кўп бўлган. Қийинчилик инсонни тоблайдиган, шурқ қилишга, ҳар бир неъматнинг қадрига етишга ўргатади. Шунданми, ҳаммаша ҳалоллик, бағрикенглик, инсоф-диенатини ўзимга эш тутдим. Ғийбат, ғиромлик, таъма, пора, ҳасаддан йироқ бўлдим, — дея қўзини бир нуқтага тикиб сўзлайди у. — Утган даврда элликдан ортик сахна асари яратдим. Бир нечтаси республика ва вилоят театрлари репертуарларидан жой олди. Таржимон сифатида Осиё ва Африка қитъасидаги йигирмага яқин ёзувчининг эртак ва ҳикояларини, рус, япон, корейс ва бошқа миллатлар ёзувчиларининг асарларини ўзбек тилига таржима қилдим. Деярли барча ишларим китоб ҳолида нашр қилинган. Уларнинг соани йигирмадан ошади. «Журналистика асослари», «Журналистикага кириш», «Драма назарияси» каби илмий, «Турмуш маданияти», «Қалбим кўзи билан кўраман сизни», «Саодатнинг жасорати», «Ўғил бола гап», «Театр санъати зарғари», «Мехрибонларим» каби бадиий, Осиё ва Африка ёзувчиларининг эртак ва ҳикоялари ўрин олган «Дастлабки учкун», С.Сахарновнинг «Қиссалар», Юрий Дмитриевнинг «Табият мўъжизалари», Миёко Мацутанининг «Таронинг тоғлар ўлкасидаги саргузаштлари» каби қатор таржима китоблар шулар жумласидан.

— Эсимни таниганимдан турмуш мушти қандай бўлишини ҳис этганман. Қорин тўймай оч юрган, бир дон туршакни соатлаб оғзимда ушлаб, очликдан қутулган кунларим кўп бўлган. Қийинчилик инсонни тоблайдиган, шурқ қилишга, ҳар бир неъматнинг қадрига етишга ўргатади. Шунданми, ҳаммаша ҳалоллик, бағрикенглик, инсоф-диенатини ўзимга эш тутдим. Ғийбат, ғиромлик, таъма, пора, ҳасаддан йироқ бўлдим, — дея қўзини бир нуқтага тикиб сўзлайди у. — Утган даврда элликдан ортик сахна асари яратдим. Бир нечтаси республика ва вилоят театрлари репертуарларидан жой олди. Таржимон сифатида Осиё ва Африка қитъасидаги йигирмага яқин ёзувчининг эртак ва ҳикояларини, рус, япон, корейс ва бошқа миллатлар ёзувчиларининг асарларини ўзбек тилига таржима қилдим. Деярли барча ишларим китоб ҳолида нашр қилинган. Уларнинг соани йигирмадан ошади. «Журналистика асослари», «Журналистикага кириш», «Драма назарияси» каби илмий, «Турмуш маданияти», «Қалбим кўзи билан кўраман сизни», «Саодатнинг жасорати», «Ўғил бола гап», «Театр санъати зарғари», «Мехрибонларим» каби бадиий, Осиё ва Африка ёзувчиларининг эртак ва ҳикоялари ўрин олган «Дастлабки учкун», С.Сахарновнинг «Қиссалар», Юрий Дмитриевнинг «Табият мўъжизалари», Миёко Мацутанининг «Таронинг тоғлар ўлкасидаги саргузаштлари» каби қатор таржима китоблар шулар жумласидан.

— Эсимни таниганимдан турмуш мушти қандай бўлишини ҳис этганман. Қорин тўймай оч юрган, бир дон туршакни соатлаб оғзимда ушлаб, очликдан қутулган кунларим кўп бўлган. Қийинчилик инсонни тоблайдиган, шурқ қилишга, ҳар бир неъматнинг қадрига етишга ўргатади. Шунданми, ҳаммаша ҳалоллик, бағрикенглик, инсоф-диенатини ўзимга эш тутдим. Ғийбат, ғиромлик, таъма, пора, ҳасаддан йироқ бўлдим, — дея қўзини бир нуқтага тикиб сўзлайди у. — Утган даврда элликдан ортик сахна асари яратдим. Бир нечтаси республика ва вилоят театрлари репертуарларидан жой олди. Таржимон сифатида Осиё ва Африка қитъасидаги йигирмага яқин ёзувчининг эртак ва ҳикояларини, рус, япон, корейс ва бошқа миллатлар ёзувчиларининг асарларини ўзбек тилига таржима қилдим. Деярли барча ишларим китоб ҳолида нашр қилинган. Уларнинг соани йигирмадан ошади. «Журналистика асослари», «Журналистикага кириш», «Драма назарияси» каби илмий, «Турмуш маданияти», «Қалбим кўзи билан кўраман сизни», «Саодатнинг жасорати», «Ўғил бола гап», «Театр санъати зарғари», «Мехрибонларим» каби бадиий, Осиё ва Африка ёзувчиларининг эртак ва ҳикоялари ўрин олган «Дастлабки учкун», С.Сахарновнинг «Қиссалар», Юрий Дмитриевнинг «Табият мўъжизалари», Миёко Мацутанининг «Таронинг тоғлар ўлкасидаги саргузаштлари» каби қатор таржима китоблар шулар жумласидан.

**ДЕНГИЗДАН ДУР ИЗЛАБ...**

Тўлқин Қозоқбоев нафақат журналистика, балки илмда ҳам ўз ўрни ва ўз сўзига эга ижодкор. Ийгиридан зиёд олий таълим муассасаларида ишлади. Узоқ йиллар Санъат ва



маданият институтида дарс берди. Республикада биринчи бўлиб, «Журналистика асослари» ўқув кўлланмасини нашр қилди. Кейинчалик профессор Мухтор Худойкулов билан ҳамкорликда «Журналистикага кириш» дарслигини, санъатшунослик фанлари доктори, профессор Мухаббат Тўлаҳўжаева билан ҳамкорликда «Драма назарияси» ўқув кўлланмасини ёзди. Мазкур китоблар журналистика университетлари, Санъат ва маданият институтида дарслик сифатида ўқув дастурларига киритилган.

— Илм — денгиз. Ундан дур ахтараман деган борки, машаққатига бардош бериши керак, — дея «Журналистика асослари» ўқув кўлланмасини қўлига олиб, ўзгача ҳаяжон билан варақлайди Тўлқин ака. — Бу йўлдаги изланишларим самараси ўлароқ, талабалар учун ўндан ортик кўлланма ва дарслиқлар яратдим. Бўлажак журналистлар улардан баҳраманд бўлаётганида, меҳнатларим ҳосилини кўриб, севиниб кетаман. Инсонга берилган энг катта бахт ҳам аслида шу бўлса керак...

### ҚАДРЛИ ВА АРДОҚЛИ

Ўзбек журналистикаси тарихида ўз мактабини яратган Тўлқин Қозоқбоев «Гулхан» журнали, «Ёш Ленинчи» (ҳозирги «Ёшлар овози»), «Ташкент оқшоми» — «Вечерний Ташкент», «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» гезеталари каби қатор нашрларни бошқарди. Долзарб, жамият ҳаётига дахлдор қиқишлари билан эл назарига тушди. Кўпнинг оғирини енгил қилиб, дуоларини олди. Ҳозир ҳам публицистик мақолалари билан матбуотда фаол бўлишга интилади.

Устоз журналист, айниқса, «Ishonch»га келган даврларини алоҳида эҳтиром билан тилга олади. Касаба уюшмалари, унинг нафақат ишчи-ходимлар, балки бутун халқимиз фаровонлиги йўлида амалга ошираётган эзгу амалларини бирма-бир санади.

— 1991 йил бошлари эди. Янги ташкил этилган, ҳали номи йўқ гезетга Бош муҳаррир этиб тайинлашди. Номини кўп ўйлаб, «Ishonch» деб атадик ва нишона нусхасини 30 минг қилиб белгиладик. Кадр йўқ ҳисоби, иш эса кўп. Жамоани шакллантириш, фаолиятни тизимли йўлга қўйиш лозим эди. Шунга қарамай, астойдил ҳаракат қилдик. Касаба уюшмалари ҳаётини ёритдик, фидойи касабакўмлар фаолияти ҳақида очерклар бердик. Тўрт йил ичида унинг ададини 140 минг нусхага етказдик. Муваффақият ортида синов ҳам бўларкан. 1994 йилнинг 14 августида иш юзасидан Гулистонга кетаётганимизда автохалокатга учраб, узоқ даволандим, иккинчи гуруҳ ногиронига айландим, лекин тирик қолганим — бахтим эди. Орада икки йил ишламадим. Кейин яна фаолигим тиклангач, бошқа бир нашрга раҳбар бўлдим, — дея медаллари орасидан «Эҳтиром» нишонини авайлаб қўлига олади у. — «Ishonch» айна пайтда юртимиздаги нуфузли нашрлардан бирига айланган. Тахририят ҳар йили бепул обуна қилиб беради. Ҳар бир сонини қолдирмасдан ўқийман. Чиқаётган танқидий-тахлилий мақолалар диққатини тортади. Узинг ишлаган, кўз нурингни, қалб қўрингни тўққан ҳар қандай нарса вақт ўтгани сайин янада қадрли, ардоқли бўлиб бораверар экан. «Ishonch» ҳам ҳаётимда ана шундай ўрин тутди. Шу боис касаба уюшмалари ҳаётимнинг ажралмас бўлагига айланган. Мени ҳаммаша эслайди, касб байрамида эса алоҳида йўқлайди. Ҳар сафар сиз қоқишганида, қадрингни ҳаммаша азит тутишганимга, бошқача бўлиб кетар экансан. Ардоқлаб мана бу нишонни кўксимга тақшганим-чи? Касаба уюшмалари мен каби минглаб одамларга қувонч улашаётганини кўриб, ташкилот бошида турган барча-барча азизларни дуо қиламан. Яхши одамлар, деган биттагина жумла уларга мос келади. Ана шу яхши одамлар дунё тургунча турсин!

### ЯХШИЛИК ҚИЛИНГ, ЯНА БИР БОР ЯХШИЛИК!

Фурсат толиб, Тўлқин аканинг ўтган йили нашрдан чиққан, келганимиздаёқ дастхат ёзиб совға қилган «Мехрибонларим» китобини секин варақлайман. Саҳифаларда эса шундай жумлаларга кўзим тушади:

— Ҳаётда чидамли, бардошли, матонатли бўлганлар оқил, эзгу ниятли бўлишади.

— Тунни кўрмаган одам, ёруғлик қадрини қаердан билади?

— Шижоатли инсонларга бахт эшиги бирин-кетин очилаверади.

— Бардошли одамлар камол топади, камолотли, одобли бўлади.

— Узоқ ашайман десангиз, яхшилиқ қилинг, яна бир бор яхшилиқ қилинг!

Шу жойга келганда, кўнглимдан шундай ўй ўтди: демак, ёзганларида ҳаёти ва ҳақиқати акс этган Тўлқин аканинг шу ёшга етиши-ю, ёшлардек бардам-бақувват бўлиб юришига унинг ўзи амал қилган ўйитлари сабабчи экан-да...

Шарафли ҳаёт йўлига эга, сўзи-ю аъмолига этиқонли, раҳбарлик лавозимларида ишлаганда ҳам барчага бирдек яхшилиқ улашган, хануз қайнок ижод оғушида яшаётган, самимияти юзидан бағр уриб турган Тўлқин Қозоқбоев билан хайрлашар эканман, Жўраҳон ая турмуш ўртоғини алқаб, шундай деди:

— Авлодларимиз бахтига ҳали узоқ йиллар бошимизда соябон бўлиб юринг!

**Салим АБДУРАҲМОНОВ**  
«ISHONCH»

**Мароқли дам олинг, азиз гезетхон!**



**Муножат Йўлчиева**  
ижросида  
**«КИМ КЕЙИН, КИМ ИЛГАРИ»**  
кўшиғи  
Чустий ғазали

**Барчамиз бу йўлда, аммо ким кейин, ким илгар, Билмаган ҳеч қайси доно ким кейин, ким илгар.**  
**Гоҳи ой олдин ботар, гоҳи қуёш ундан бурун, Бу қизиқ одатли дунё, ким кейин, ким илгар.**

**MUASSIS:**  
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi  
2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

**«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» гезеталари таҳрир ҳаёти:**  
Qudratilla RAFIQOV (ta'hir hay'ati raisi), Ulug'bek JALMENOVA, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOVA, Nodira G'OYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib - «Ishonch»), Valentina MARSENJAN (Mas'ul kotib - «Ishonch-Доверие») **Bosh muharrir Husan ERMATOV**

**Bo'limlar:**  
Kasaba uyushmalari hayoti — (71) 256-64-69  
Huquq va xalqaro hayot — (71) 256-52-89  
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — (71) 256-82-79  
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — (71) 256-85-43  
Marketing va obuna — (71) 256-87-73  
**Hududlardagi muxbirlar:**  
Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-99) 889-98-20  
Andijon viloyati — (+998-99) 889-90-23  
Buxoro viloyati — (+998-99) 889-90-31  
Navoiy viloyati — (+998-99) 500-05-12  
Jizzax viloyati — (+998-99) 889-90-34  
Namangan viloyati — (+998-93) 213-09-66  
Samarqand viloyati — (+998-99) 889-90-26  
Sirdaryo viloyati — (+998-99) 889-98-55  
Surxondaryo viloyati — (+998-90) 379-19-70  
Toshkent viloyati — (+998-99) 600-40-44  
Farg'ona viloyati — (+998-99) 889-90-24  
Xorazm viloyati — (+998-99) 889-98-01  
Qashqadaryo viloyati — (+998-97) 705-08-93

**Navbatchi muharrir:**  
G'ulomjon MIRAHMEDOV  
**Musahhilchilar:**  
Dilorom XUDOYBERGANOVA, Ulmida XUDOYBERGANOVA  
**Sahifalovchi:**  
Hasan ABDUJALILOV  
**Bosilishga to'pshirish vaqti:** — 18:50  
Topshirildi — 19:20  
**Bahosi kelishilgan narxda**  
Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.  
**Manzillimiz:**  
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy.  
**E-mail:** ishonch.1991@yandex.uz  
Nashr ko'rsatkichi: 133  
**Gazetaning poligrafik jihatdan sifatlil chop etilishiga bosmaxona mas'ul.**  
Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmilash tirgan tashkilot javobgar.

**Umumiy adadi 32 083 ta**  
**Shundan: 6 086 nusxasi**  
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi —  
**Toshkent shahri, Buyuk Turok ko'chasi, 41-uyda;**  
**18 116 nusxasi**  
«Erudit» MCHJ bosmaxonasi —  
**Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;**  
**7 811 nusxasi**  
«Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi —  
**Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi.**  
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.  
Hajmi 2 bosma taboq. **Buyurtma G-711**  
1 2 3 4 5 6